CITY CAPITAL

Мустақил баҳоловчи ташкилот тўғрисида маълумот:

«CITY CAPITAL» масъулияти чекланган жамияти

Манзил: Тошкент шаҳри, Қорасу-1, 10

х/р: 2020 8000 9054 4982 0001

«ОРИЕНТ ФИНАНС» ХАТБ

банк коди: 01071, СТИР: 308 959 524

Юридик шахсни рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида маълумотлар:

14.10.2021 йилдаги 1051754 - сонли

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хабарнома қабул қилинганлиги тўғрисида тасдиқнома

19.10.2021 йилдаги 014242 – сонли

Телефонлар:

(+998 93) 678 – 53 – 05

(+998 90) 982 – 09 – 16

e-mail: citycapital@list.ru

«Ўзбекистон республика валюта биржаси» акциядорлик жамиятининг 2025 йилдаги корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари бўйича ХУЛОСАСИ

«Ўзбекистон республика валюта биржаси» акциядорлик жамияти корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари бўйича хулоса «CITY CAPITAL» масъулияти чекланган жамияти томонидан тайёрланди.

2026 йил 26 майдаги 10/К26 – сонли шартномага асосан «Ўзбекистон республика валюта биржаси» акциядорлик жамиятида корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш ўтказилди. Мустақил баҳолаш Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, жумладан акциядорлик жамиятларининг фаолияти самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини ривожлантириш Комиссияси томонидан (2015 йил 31 декабрдаги 9 – сонли баённома) тасдиқланган Корпоратив бошқарув Кодексига мувофиқ амалга оширилди.

«Ўзбекистон республика валюта биржаси» акциядорлик жамиятида корпоратив бошқарув тизими ҳолати тўғрисида мустақил холисона фикрни шакллантириш баҳолаш ўтказилишининг асосий мақсадларидан бири ҳисобланади.

«Ўзбекистон республика валюта биржаси» акциядорлик жамияти корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ва Корпоратив бошқарув илмий – таълим маркази томонидан 2016 йил 25 июлда тасдиқланган Саволнома асосида амалга оширилди.

«CITY CAPITAL» МЧЖ фақат «Ўзбекистон республика валюта биржаси» акциядорлик жамияти томонидан тақдим этилган хужжатлар, ҳисоботлар, маълумотлар ва бошқа материаллар асосида Жамиятнинг корпоратив бошқарув тизими ҳолати тўғрисида шакллантирилган ўз нуқтаи назарини ифодалаганлиги учун жавобгар ҳисобланади.

«Ўзбекистон республика валюта биржаси» акциядорлик жамияти тақдим этилган хужжатлар, ҳисоботлар, маълумотлар ва бошқа материалларнинг тўлиқлиги, мазмуни ва ишончлилиги учун жавобгар ҳисобланади. Олинган хужжатлар, ҳисоботлар, маълумотлар ва бошқа материалларнинг асл нусхалиги ва ишончлилиги текширилмади ва эътироз билдирилмади.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, «Ўзбекистон республика валюта биржаси» акциядорлик жамияти томонидан тақдим қилинган хужжатлар, ҳисоботлар, маълумотлар Жамият корпоратив бошқарув тизими ҳолати тўғрисида мустақил фикр ифодалаш учун етарли асос бўлиб хизмат қилади.

Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларига кўра «Ўзбекистон республика валюта биржаси» акциядорлик жамияти корпоратив бошқарув тизимининг ҳақиқий баҳоси **913 баллни** ёки фоиз кўринишида **76,08%** ни ташкил этди ва «CITY CAPITAL» МЧЖ томонидан Жамият корпоратив бошқарув тизимига **«юқори»** даражадаги баҳо берилди.

Хулоса 2026 йил 10 июнь санасида тақдим этилган